

28-боб. Силаи раҳм умрни зиёда қилади



12:00 / 24.02.2019 3701

56. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ризқининг кенг қилиб берилишини ёки ажалининг кечга сурилишини истаса, силаи раҳм қилсин», дедилар».

Шарҳ: Демак, силаи раҳм қилган, қариндош-уруғларига яхшилик қилган, ёрдам берган, хайр-эхсон қилган одамнинг ризқини Аллоҳ таоло кенгайтириб, бойлигини зиёда қилиб қўяр экан. Шу билан бирга, умрини узайтириб, ундан яхши хотира, эсдалик қолишини таъминлар экан. Ушбу ҳол силаи раҳмнинг бу дунёда ҳам фойда беришини кўрсатади.

Четдан қараганда, силаи раҳм қилинса, қариндошига ёрдам берса, моли ёки пули камайиб қолгандек кўринади. Лекин Аллоҳ таоло бунинг эвазига

унинг молини кўпайтириб берар экан ҳамда у банданинг яхшилик билан эсланиб юришини таъминлар экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Силаи раҳм жуда зарур иш экани.
2. Силаи раҳм ризқнинг кенг бўлишига сабаб бўлиши.
3. Силаи раҳм эгасининг умри узайишига, ортидан яхши ном қолишига сабаб бўлиши.

57. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Кимни ризқининг кенг қилиб берилиши ёки ажали кечга сурилиши хурсанд қилса, силаи раҳм қилсин», деганларини эшитдим».

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам аввалги ривоятни таъкидлаб келган.

«Одоблар хазинаси» китобидан